

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
ЯНГИБОЗОР ТУМАНИ
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
XORAZM VILOYATI
YANGIBOZOR TUMANI
HOKIMI
QARORI

O'zbekiston Respublikasi Xorazm viloyati 221200 Yangibozor shaharchasi
Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти 221200 Янгибозор шаҳарчаси Тел: 41-94-255

2020 йил “ 1 ” июль
№ 1198

Янгибозор шаҳарчаси

Янгибозор тумани маркази “Дўстлик” маҳалласи ҳудудидан Хоразм вилояти Фавқулудда Вазиятлар Бошқармасида хизмат қилиб келаётган ходимларга якка тартибда турар-жой қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига турар жой сотиб олиш (қуриш) учун узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ҳамда якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 619-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Хоразм вилояти ФВБ бошлиғи, подполковник Р.Урмановнинг туман ҳокими номига Хоразм вилояти Фавқулудда Вазиятлар Бошқармасида хизмат қилиб келаётган ходимларга якка тартибда турар-жой қуриш учун имтиёзли равишда ер участкаси ажратиб беришни сўраб ёзган аризасини инобатга олиб, қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг йиғилиш баёнини, далолатномасини ва бошқа тақдим қилган ҳужжатларини кўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6, 25-моддасига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг йиғилиш баёнлари, далолатномалари ва хулосалари тасдиқлансин.
2. Янгибозор тумани маркази “Дўстлик” маҳалласи ҳудудидан Хоразм вилояти Фавқулудда Вазиятлар Бошқармасида хизмат қилиб келаётган ходимларга иловага мувофиқ сотиш ҳуқуқисиз якка тартибда турар-жой қурилиши учун қишлоқ хўжалиги ерлари тоифасига кирмайдиган ердан жами 0,22 га. (2200,0 кв.м) ер майдони ажратилсин.

3. Янгибозор тумани курилиш бўлими (О.Давлетов)га ушбу қарорга асосан, белгиланган тартибда ажратилаётган 0,22 га. (2200,0 кв.м) ер майдонларини бош лойиха асосида жойида (натурада) далолатнома асосида белгилаб бериш, курилишини шаҳарсозлик норма қоидалари асосида назорат қилиш ҳамда ажратилган ер участкасини бирламчи хужжатларини расмийлаштириб бериш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарор Халқ Депутатлари Янгибозор тумани кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари в.в.б. Н.Мадаминов зиммасига юклансин.

Янгибозор тумани ҳокими



Ў.Курбанов